ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИ

# УМИД

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ





## Азиз дўстлар!

Фарғона вилояти
Ўзбекистон туманидаги
«Умид»
фермер хўжалиги

барча юртдошларимизни Ватанимиз
Мустақиллигининг ўн йиллиги билан самимий
муборакбод этади.

Келажакнинг улкан орзуси ила яшаётган сиз,
азизларга хушкайфият тилайди.



Истиқлол меваси бўлмиш «Умид»
фермер хўжалиги ўзи ташкил
этилганлигининг ҳам 10 йиллиги тўйи
арафасида дастурхонингизга
«Пахтабанк» кўмагида сотиб олинган
хорижнинг энг сўнгги технологиясида
қадоқлаб, ишлаб чиқараётган
қулупнайли, бананли, ўрикли ва
ананасли йогуртларни, қаймоқ,
сметана, сариёғ, сут, қатиқ, бринза,
творог ҳамда «Умид» пишлоғини
тақдим этади.



Шунингдек, қандолатчилик,
макарон маҳсулотлари,
музқаймоқ ва ўз далаларида
етиштирган ҳамма турдаги
деҳқончилик, чорвачилик
маҳсулотларидан баҳраманд
бўлишингизни сўрайди.



**Бизнинг манзилимиз:** Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани, Яккатут қишлоғи,
«Мустақиллик» кўчаси, 16-уй.
**Телефонлар:** (373-53) 94-345, 94-265.

*Ўқинг, ибрат олинг!*



# «АЛПОМИШ», «ПАҲЛАВОН»ЛАРДАН СЎЙЛАЙИН СИЗГА

Бу юртни азалдан гуллар диёри, деб аташади. Дилни яйратувчи чаманзорларининг бисёрлигидан шундай ном олган бўлса, ажаб эмас. Айниқса, Ҳуррият офтоби чарақлагандан кейин бу гуллар янада чирой очди, кўкка бўй чўзди. Уларнинг ёқимли ифори шу элнинг кишиларини ташаббускорликка, жонкуярликка, соғлом турмуш тарзида ҳаёт кечиришга ундамоқда.

Ана шу интилиш боис "Алпомиш"у "Паҳлавон" янглиғ спорт мажмуалари бунёд қилдилар. Бунда ўғил-қизлари билан бирга ўзлари ҳам ҳар томонлама чиниқадилар. Фақат ҳавас қиласиз уларнинг «Дўстлик»ига. Эрта саҳардан иш вақтигача қўлларига ракетка тутиб самимий беллашадилар. Бу ҳам майли. "Дельфин"ларини айтинг. Қўшилишиб сузаман десангиз, марҳамат, энг замонавий шароитлар муҳайё. Шуғулланувчиларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, спорт билан дўст тутиниш саломатликни мустаҳкамлаш баробарида, меҳнат самарадорлигининг ошишига катта ҳисса қўшаётганини таъкидлашади.

Ахир бошқа вилоят марказларида ҳам мақтаса арзигулик спорт мажмуалари бор-ку? Нима учун энди... Ўринли таажжубингизга жавобимиз шундай: Наманганда қишлоқ жойларида ҳам замонавий спорт иншоотлари яратишга эътибор кучли. Уйчи туманининг "Қизилравот" қишлоғида ҳашар йўли билан қад ростлаган "Соғлом авлод" марказини бориб кўришнинг ўзи таажжубингизга барҳам беради. Қуйидаги рақамлар ҳам фикримизни далиллайди. Охирги тўрт-беш йил ичида вилоятда 12 та янги стадион ва 100 дан ортиқ турли спорт майдонлари қурилди. "Тошбулоқ"даги 15 минг ўринли, Тўрақўрғон туманининг "Ўзбекистон" жамоа хўжалигидаги 5 минг ўринли стадионларни кўриб кўз қувнайди. Бу ерда шуғулланаётган, ўзаро беллашишдан чарчамаётган болаларга ҳавас билан боқасиз. Тўғрисида, биз шундай пайтимизда тўртта тошни дарвоза қилиб қўйиб, чанг кўчада кечгача тўп тепардик. Булар-чи? Ям-яшил чим, темир устунли, оқ тўрли дарвоза, малакали устоз-мураббийлар... Вилоят бўйича жами 28 та стадион, 444 та спорт зали, 30 та сузиш ҳавзаси, 317 та ўқ отиш тири, 518 та баскетбол, 1517 та волейбол, 390 та қўл тўпи, 423 та футбол, 429 та мини футбол майдончаси, 33 та теннис корти, биттадан велотрек ва отчопар ҳам уларнинг ихтиёрида.

Вилоятда жисмоний тарбия ва спортнинг оммалашаётгани, эришилаётган ютуқлар халқаро миқёсда тан олингани яна ҳам қувонарли. Халқаро Олимпия қўмитаси вилоят ҳокими Тўлқин Жабборовнинг соҳа ривожидаги жонкуярлигини махсус мукофот билан сийлади. Қатор мутасаддилар эса ушбу нуфузли ташкилотнинг дипломлари билан тақдирланишди. Шу муносабат билан Тўлқин Отахоновичнинг кўнглида кечаётган ўйлар билан қизиқдик.

— Спорт турларини ривожлантириш, оммалаштириш, йирик мусобақаларни ўтказиш жуда катта куч ва диққат-эътиборни талаб қилади, — дейди у. — Лекин бу ҳаракатларнинг самарасини кўрганингизда, аввалги қийинчиликлар ҳам, чарчоқ ҳам эсдан чиқиб кетади. Самара деганда, мен спортнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини назарда тутаяпман. Соҳанинг ривожи учун ҳеч қандай маблағни аямай қилаётган ишларимиз натижасида Наманган ёшларининг турмуш тарзи, умуман олганда, вилоятдаги муҳит ижобий томонга ўзгаргани бугун ҳеч кимга сир эмас. Биргина "Универсиада-2000"ни олинг. У биз кутгандан-да кўп самара берди. Шу тадбир баҳонасида қурилган спорт иншоотларида ҳозир минглаб ёшлар фойдали машғулот билан машғул. Бу — биринчиси. Иккинчидан эса, вилоятимиз спортчиларининг республика ва халқаро мусобақалардаги натижалари кескин кўтарилди. Тармоқ тараққиёти билан боғлиқ ислоҳотларимиз самараси шу йил Жиззахда ўтказилган "Баркамол авлод" ўйинларида амалда ўз тасдиғини топди. Шунинг учун биз ҳозир ҳам янги спорт мажмуаларини бунёд этиш, эскиларини таъмирлаш ишларини тўхтатганимиз йўқ. Аксинча, эндиликда спорт коллежлари, техникумларини ташкил этиш хусусида бош қотираяпмиз. Энг муҳими, ишонч билан айта оламанки, ҳар томонлама соғлом, чиниққан ёшлар вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида сезиларли ўрин тутмоқда.

"Катта арава қаердан юрса, кичиги ҳам шу йўлдан боради", деган гап бежиз айтилмаган. Наманганда бўлиб, спортга мутасадди раҳбарларнинг ҳаракатини кузатсангиз, шунга амин бўласиз. Вилоят ҳокимининг ўзи ракетка тутиб кортга чиқади, вақт топса, футбол ҳам ўйнайди. Ишқибозликда эса унга етадигани йўқ. Кўпчилик мутахассислар вилоятда барча спорт турларининг оммавийлашиб бораётганини мана шу фазилат билан ҳам боғлашади.

— Бу фикрга қўшила олмайман, — дейди, Т.Жабборов. Спортга қизиқаманми, қизиқмайманми, бу бошқа масала. Соҳани ривожлантириш эса нафақат менинг, балки вилоятдаги барча раҳбарларнинг вазифасидир. Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган ислоҳотларнинг, замоннинг талаби шу.

Мазкур мақола сарлавҳасида Наманганнинг Алпомиш келбатли паҳлавонлари, халқаро майдонда юқори натижага эришаётган ойбарчин қизлари ҳақида сўзлашни ваъда қилгандик. Улар ҳақида вилоят спорт қўмитаси раиси, "Шуҳрат" медали соҳиби Шокир Қорабоев шундай дейди:

— Стол тенниси бўйича Швецияда бўлиб ўтган ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати ғолиби Севара Қодирова, 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони Ольга Сон (шахмат), ёзги биатлон бўйича Европа очиқ чемпионатида шоҳсупанинг биринчи поғонасини банд этган Елена Квятковская, XIII Осиё ўйинларининг кумуш медали совриндорлари Темур Сулаймонов (бокс) ва Сергей Максимов (сув полоси), эркин курашдан қитъа кубогини қўлга киритган Рустам Мамажонов, Хитой давлатида ўтган Осиё биринчилиги ғолиби Сайдали Йўлдошев (шахмат), от спорти бўйича Сергей Шмелёв, Венгрияда ўтказилган жаҳон кубоги баҳсларида бронза медалини қўлга киритган каратэчимиз Бобур Юнусов, халқаро турнирлар ғолиби Тўлашбой Дониёров (бокс) ва ўзбек кураши усталари бўлмиш ака-ука Бахтиёр ва Шуҳрат Бозоровларни вилоятимиз фахри, деб биламиз. Уларнинг рўйхатини анчагача давом эттириш мумкин. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоизки, санаб ўтилган йигит-қизлар кейинги йилларда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида яратилган шароит туфайли ана шундай натижаларга эришмоқдалар.

Тилга олганимиз рақамлар, ҳамсуҳбатларимизнинг фикрлари вилоятда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қандай бажарилаётганидан дарак беради.

Яна бир гап. Наманганда кўплаб ширкат ва жамоа хўжаликларининг дала шийпонлари қошида ҳам спорт майдончалари ташкил этилган. Вилоятда ҳар йили 20 дан ортиқ республика ҳамда халқаро мусобақалар юксак савияда ўтказилади. Спорт қўмитаси билан касаба уюшмалари спорт жамиятлари кенгаши (Ғуломжон Тожимирзаев)нинг ҳамкорликдаги фаолияти ҳам таҳсинга лойиқ. Буларнинг бари гуллар диёри мамлакатимизнинг спорт марказларидан бирига айланди, дейишга асос бўлади.

**Озод РАЖАБОВ,**
**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## ҲИКМАТ

*Аё дўстум, букун мардона бўлғил,*
*Сўзингдин тонмағил, шерона бўлғил.*

## «Наврўз» аскарлар хузурида

"Наврўз" хайрия жамғармасининг Сурхондарё вилоят бўлими мустақиллик байрами арафасида ҳарбий қисмларда бўлиб, аскарлар билан учрашувлар ташкил этмоқда. Яқинда жамғарма фаоллари Термиз шаҳри ва тумани ҳудудидаги ҳарбий қисмларда қизиқарли тадбирлар ўтказди.

Аскарларнинг дам олиш соатлари, яшаш шароитлари билан танишган фаоллар уларни дастурхон атрофига таклиф этди. Аскарларга жамғарма ҳисобидан 300 минг сўмлик совға-салом топширилди.

Шунингдек, жамғарма ходимлари Мустақиллик байрами муносабати билан Шўрчи туманидаги ногирон болалар мактаб-интернати тарбияланувчиларига бир сидра қишки кийим-бош тайёрлашди.

**Чори ТЎХТАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 2715, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ.
Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.45*
1 2 3 4 5 6


*Мустақиллик иншоотлари*

# ЧЎЛ БАҒРИДА ТЕАТР

Жиззах вилоятида Анорқул Қулманов номли қозоқ мусиқали драма театрининг очилиш маросими кўп миллатли Мирзачўл тумани меҳнаткашлари учун чинакам дўстлик байрамига айланди.

Театр жамоаси меҳмонлар ва санъат шинавандаларига қозоқ драматурги Султонали Болғабоев асари — «Энг гўзал келинчак» спектаклини тақдим этди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари, шоира Сайёра Тўйчиева, «Нурли жол» газетаси бош муҳаррири Қалдибек Сейданов ва бошқалар театр ижодий жамоасига муваффақиятлар тилашди.

Саҳнага чиққан оқинларни тўпланганлар гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди. Тошкентлик Аширмат Мусаев, Нурхон Туймақулова, Чимкент вилоятидан Маржон Есжанова, Мақтааралдан Айгул Тўрабекова, маҳаллий оқинлардан Бўрибой Ўразимбетов, Умирхон Алихановалар уларнинг ишончларини оқлашди. Эрталаб бошланган айтишувлар кечгача давом этди.

— Биз учун энг катта мукофот Жиззах халқининг, мирзачўллик деҳқону фермерларнинг самимий олқиши, гулдурос қарсаклари бўлди, дейди қозоғистонлик оқин Ержан Мирзалиев. — Чўлда, қишлоқ туманида бундай замонавий маданият муассасаси барпо этилганидан, маҳаллий аҳолининг санъатсеварлигидан жудаям қувондик. Ўзбекларнинг қозоқ биродарларига бўлган эътибори, ҳурмат-иззати ҳаммани қойил қолдирди.

Ростданам, қозоқ театри учун бино тайёрлаш жуда қисқа фурсатда амалга оширилди. Мирзачўл тумани ҳокимлиги бош ҳомий бўлди. Абай ижара ширкатлар бирлашмаси, барча туман ташкилотлари қозоқ дўстларимизга Мустақилликнинг 10 йиллик байрамига қадар ўзига хос совға тайёрлаш учун жон куйдиришди. Бу даврда театр директори Тошпўлат Пармонов вилоят маданият бошқармаси раҳбарлигида ижодий жамоани шакллантириш, ташкилий ишлар билан шуғулланди.

Яқин кунларда театр жамоаси драматург Таспўлат Бойимбетовнинг «Бартер» деб номланган асарини саҳналаштиради.

Хуллас, қўриқ вилоятда яна бир маданият маскани барпо этилди. Бу эса Ўзбекистон — Қозоғистон халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*«Ватан ягонадир, Ватан биттадир» танловига*



*Улуғ айёмга ҳаммадан ҳам болажонларнинг тараддуди ўзгача. Байрам яхши-да...*
Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат-лавҳа.

**«Кўп кўрган кўп билади», дейди халқимиз. Қарийб етмиш йилдан буён ижод қилиб келаётган Ўзбекистон халқ рассоми, академик Малик Набиев яратган асарлар асосан хорижий юртлардаги сафар таассуротлари туфайли юзага келган.**

# ЖАҲОНГАШТА МУСАВВИР

Ғоявий мазмунга бой 30 та рангтасвир асари чет эл музейларида сақланмоқда. Дунёнинг 33 мамлакатини кезган мусаввирнинг илк сафари 1957 йили Ҳиндистондан бошланган. Бу юртга иккинчи бор 1985 йилда бориш насиб қилди ва натижада «Ҳиндистон туркуми» асарларини яратди. Улар қирққа яқин ихчам ишланган рангтасвирлардир. Уларда ҳинд меъморчилиги, гўзал табиати акс этган.

«Бобурийлар сулоласининг давомчиси — Шоҳжаҳон севимли рафиқаси Мумтозмаҳалга атаб қурдирган Тожмаҳал қасри эътиборимни тортди», - ҳикоя қилади мусаввир. Ушбу ҳайратли таассуротлардан дунёга келган «Тожмаҳал» асари туркумдаги энг ёрқин асардир.

Шунингдек, «Йўлда», «Ҳинд қизи» асарларида Ҳиндистон филлари ҳамда мафтункор ҳинд қизининг ҳақиқий қиёфаси ифода этилган. Бу мусаввирнинг етук маҳорати, қолаверса, жаҳонгашталик самарасидир. Бундай асарлар вақт ўтган сайин ўзининг бадиий қимматини сақлаб қолажак. Чунки, мусаввир мўйқалами меҳр ранглари билан безангандир.

Мустақиллик мураббий мусаввирни янада ёшартириб юборди. Ўзбекистон Бадиий академиясига фахрий аъзо бўлганлиги, «Буюк хизматлари учун» орденининг берилиши мусаввирга истиқлол берган туҳфа дейиш мумкин.

**Маҳмуд РАМАЗОН,**
**санъатшунос.**


**«ПАРВИНА» КОМПАНИЯСИ**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИНИ
МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.
ШУ ҚУТЛУҒ БАЙРАМ ШАРАФИГА ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:
- МУЗҚАЙМОҚЛАРНИНГ 30 ХИЛ ТУРИ:
эскимонинг 15 хил кўриниши,
6 турдаги қадоқланган,
6 хил вафли стаканли
ва бошқалар.
ПЛИТКАЛИ ШОКОЛАД:
«ПАРВИНА» (янгилик).
БЕЗАКЛИ ҚИЁМ:
шоколадли,
мевали,
цитрусли, сутли.
2001-2002 йилда маҳсулотлар етказиб бериш учун шартномалар тузилмоқда.
Маҳсулотларни транспортда етказиб бериш имконияти бор.
Тўлов шакли - турлича. Нархлар жуда арзон.
Бизнинг манзил: «Парвина» компанияси
e-mail: parvina@online.ru
Тошкент шаҳри, А.Икромов тумани, 13-даҳа, 1-«а» уй. Мўлжал: Фарҳод бозори.
Тел.: +(371) 173-26-13.
Самарқанд ш., Фирдавсий к., 6.
Тел.: +(3662) 33-77-83, 33-02-82, 31-15-82. Факс +(3662) 33-49-02.
4656



supermarket **Alp Jamol**
реализует новые растоможенные автомобили
Mercedes-Benz OPEL Омега
DAEWOO Магнос, Леганза
3110, 3102, Газель-грузовой, пасажирский, мед.служба
УАЗ 31514 Цельнометаллический
21074, 2106, НИВА
В большом ассортименте имеются автошины, аккумуляторы, запчасти на ГАЗ 3102,3110.
117-39-39, 117-40-04, 117-40-00, 117-36-98.
За приобретение каждого автомобиля ПОДАРОК сотовый телефон или телевизор LG
НОВЫЕ А/М НА ЗАКАЗ
4645



**Қўшимча юк ҳажмини жалб қилиш мақсадида 2001 йилнинг 25 августидан 5 сентябригача давлат ҳудудидаги йўналишларда қуйидаги юкларга ташишнинг 10-01 Прейскуранти ставкасига нисбатан 20 фоиз миқдорда чегирма қўлланилади:**
- минерал ва кимёвий ўғитлар;
- цемент;
- кўмир;
- ҳўл мева-сабзавот маҳсулотлари;
- нефть;
- қурилиш материаллари.

**Ушбу чегирмалар илгари берилган чегирмаларга нисбатан қўлланилмайди.**
«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акциядорлик темирйўл компанияси.
4655


Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги собиқ вазир муовини, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор

**Қулаҳмат РИЗАЕВнинг**

вафот этганлигини маълум қилиб, марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Али ибн Сино номидаги 1-Тошкент шаҳар клиник касалхонаси жамоаси касалхонанинг собиқ бош шифокори

**Қулаҳмат РИЗАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор этади.


Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!
**"Асака" банки**
Тошкент шаҳар бўлими
Сизларни Мустақиллик Байрамининг
10 йиллиги билан
чин дилдан табриклаб, сиҳат-саломатлик, файзу барака ва улкан муваффақиятлар тилайди.
*Ана шу айём муносабати билан 15 августдан жамғармаларнинг янги*
"ТАБАССУМ"
*номли турини жорий этди.*
Омонатнинг энг кам миқдори
**250 000 сўм**
Омонатни сақлаш муддати - 45 кун
45 кун **учун 6%** маблағ қўшилади
Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
700015, Тошкент ш., А.Қаҳҳор кўчаси, 73.
2, 12, 80 автобусларнинг А.Қаҳҳор бекати.
Тел.120-83-14, 120-83-32. Иш вақти: 8.00 дан 15.30 гача.
Тушлик: 12.00 дан 13.00 гача.
Дам олиш кунлари: шанба, якшанба.
ASAKA BANK
4652